

**МАЪМУРИЙ СУД СУДЬЯЛАРИНИ ТАЙИНЛАШ ТАРТИБИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ**

Бакаев Шахриёр Бахтиёрович

Тошкент давлат юридик университети мустақил тадқиқотчиси

эл.почта: sh.bakaev@bk.ru тел: (90) 983-1005

Аннотация:

ушбу ишда судьяларни тайинлаш ва сайлаш тартиботлари бўйича ҳуқуқшунос олимларнинг фикр ва мулоҳазалари ўрганилган, Ўзбекистон Республикасида маъмурий суд судьяларини лавозимга тайинлаш ёки сайлаш тартиби баён этилган бўлиб, бу жараёндаги айрим механизмлар орқали маъмурий суд судьясининг мустақил ҳолда фаолият юритишига таъсир кўрсатиши эҳтимоли мавжудлиги таҳлил қилинган. Мазкур бўшлиқларни бартараф қилиш маъмурий суд мустақиллигини таъминлаш учун ниҳоятда муҳим ҳисобланишини инобатга олиб, маъмурий суд судьяларини тайинлаш тартибини такомиллаштириш бўйича бир қатор таклиф ва мулоҳазалар билдирилган.

Калит сўзлар: суд мустақиллиги, судьяларни тайинлаш ва сайлаш тартиб-таомиллари, маъмурий суд, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, оммавий ҳокимият, маъмурий суд раҳбариятини сайлаш, юридик ихтисослик, бошқарув ходими.

Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш, шунингдек одил судловга эришиш даражасини ошириш мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш соҳасида давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишлари этиб белгиланган.

Таъкидлаш керакки, судьялик лавозимида номзодларни танлаш, тайинлаш ва сайлаш тартиби – суд мустақиллигини таъминлашнинг муҳим бўғини ҳисобланади.

Судлар ўз фаолиятида барча давлат органларидан, шунингдек ташқи ва ички таъсирлардан тўлақонли мустақил бўлган судьялар корпусини шакллантиришда судьялик лавозимида номзодларни танлаш, тайинлаш ва сайлаш тартиби ҳамда мазкур тартибнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бугунги кунда муҳим аҳамиятга эга.

Судьяларни тайинлаш ва сайлаш тартиб-таомиллари фикр билдиришдан олдин “тайинлаш” ва “сайлаш” тушунчалари мазмунини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Қомусий манбаларда кўрсатилишича, “тайинлаш” тушунчаси арабча “таъйин” сўзидан олинган бўлиб, мазкур категория ўз моҳиятига кўра белгилаш, аниқлаш, тайинлаш деган

маъноларни англатади” [1, 27], баъзи бир адабиётларда эса “тайинламоқ – мансабга, вазифа ёки ишга қўймоқ, белгиламоқ” [1, 423] деган маъноларни англатиши кўрсатилган.

Луғатларда “сайланиш” тушунчасига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи” [1, 423] деб изоҳ берилган бўлса, баъзи юридик адабиётларда эса “сайлаб қўйиладиган лавозим – давлат аппарати ёки маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тизимида ё аҳоли томонидан ёхуд давлат ҳокимияти ёки маҳаллий ўзини ўзи бошқариш вакиллик органи томонидан сайланиш натижасида эгалланадиган лавозим” [2, 351] деб таъриф берилган. “Тайинлаш” ва “сайланиш” тушунчалари бир қатор хусусиятлари билан бир-бири билан узвий боғлиқ бўлсада, бир хил маънодаги тушунчалар эмас.

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикасининг суд ҳокимияти билан боғлиқ қонун ҳужжатларида “судьяларни тайинлаш” ва “судьяларни сайлаш” тушунчалари тегишинча ифода этилган.

Судьяларни тайинлаш ва сайлаш тартибларининг ҳар иккисида ҳам номзод дастлаб белгиланган тартибда ўрганишлардан ўтказилади. Айнан шу жараён судьяни лавозимга тайинлаш ва сайлаш тартибларининг ўхшаш жиҳати ҳисобланади. Номзоднинг судьялик лавозимига тайинланиши у белгиланган тартибда тегишли танловдан муваффақиятли ўтганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президентига ва махсус ваколатли орган – Судьялар олий кенгашига боғлиқ бўлса, номзоднинг судьялик лавозимига сайланиши унинг фойдасига берилган овозлар сонига боғлиқ бўлади.

Шу билан бирга, мазкур тушунчалар ўртасидаги асосий фарқ шундаки, судьяларни сайлаш тартибда Ўзбекистон Республикаси Президентига муайян номзодни кўриб чиқиш учун тақдим этишгача бўлган жараён муқобиллик асосида амалга ошириладиган бўлса, номзодни судьялик лавозимига бевосита сайлаш тартиби муқобилсиз ҳолда амалга оширилади. Мазкур тартибдан фарқли равишда судьяларни тайинлаш тартиби муқобиллик асосида амалга оширилади.

Ҳуқуқшунос олимлар фикрига кўра судьялик лавозимига тайинлаш ва сайлаш тартиби суд мустақиллигига тўғридан-тўғри таъсир қиладиган институт ҳисобланади.

Ф.М.Мухитдинов фикрича, судьялар мустақиллигининг тўла амалга оширилиши, биринчи навбатда, уларни лавозимларига танлаш ва тайинлаш масаласининг самарали ташкилий шаклига боғлиқ [3, 31].

Ҳ.Б.Бобоев ўз тадқиқотларида судьяларнинг Президент томонидан тайинланиши кўпроқ улар мустақиллигини таъминлаш имконини беради деб фикр билдирган [4, 32].

Б.Жамолов “Суд ҳокимияти ва судьялар мустақиллиги тўғрисида гап кетганда судьялар мустақиллигининг асосий кафолатлари қаторида судьяларни танлаш, тавсия этиш ва тайинлашдаги демократик асослар муҳим ўрин тутди” [5, 35-38] деб таъкидлайди.

Х.Т.Азизов “судьялик лавозимларига кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишнинг демократик асосларини такомиллаштириш, судьяларни лавозимларига танлаш масалаларини ҳал этиш чоғида қонунийлик ва ижтимоий адолат принципларини” [6, 5] рўёбга чиқариш суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлашнинг энг муҳим долзарб масалаларидан бири эканлигига алоҳида эътиборни қаратади.

Ф.М.Мухитдинов қайд этганидек, “Бугун судьяларни танлаш ва тайинлаш тизими анча барқарорлашган бўлсада, бироқ уни янада такомиллаштириш, самарасини ошириш мақсадга мувофиқ бўлар эди” [7, 35-37].

Л.Б.Хван агар суд мустақиллигини таъминлаш муаммоси бутун одил судлов тизими учун ҳал этилмаган бўлса, биз қандай қилиб маъмурий юстиция тизимида суд мустақиллиги тамойилини таъминлай оламиз деган ҳақли саволни қўйган. Олимнинг фикрига кўра суд тизимининг барча “касалликлари” маъмурий юстиция судлари учун ҳам тааллуқли бўлиб ҳисобланади [8, 940-957].

Фикримизча, маъмурий судларга юклатилган вазифалардан келиб чиқиб, маъмурий суд судьялигига номзодларни танлаш, тайинлаш ва сайлаш тартибини бугунги кун талабларидан келиб чиқиб такомиллаштириш, бу борада мавжуд камчиликларни бартараф қилиш маъмурий суд мустақиллигини таъминлаш учун ниҳоятда муҳим ҳисобланади.

Маъмурий суднинг тўлақонли мустақиллигини таъминлаш учун иккита муҳим факторни бартараф қилиш зарур ҳисобланади. Биринчиси, маъмурий судга нисбатан бошқа ҳокимият органларидан бўлиши мумкин бўлган ташқи таъсирларни, иккинчиси, маъмурий суд судьяларига нисбатан суд раҳбарияти томонидан бўлиши мумкин бўлган ички таъсирни бартараф қилиш керак.

Давлат органлари ёки маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа идораларнинг қарорлари, уларнинг мансабдор шахслари ҳаракатлари (ҳаракатсизлик) устидан шикоятларни кўриш ҳамда зарур ҳолларда мансабдор шахслардан етказилган зарарларни ундириш, уларга нисбатан жарималарни қўллаш ваколатига эга бўлган маъмурий судларда **судьянинг тўлақонли мустақиллигини**, хусусан суд раҳбариятидан мустақиллигини таъминлаш ниҳоятда муҳим масала ҳисобланади.

Давлат органлари ёки маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа идоралар мансабдор шахсларининг, хусусан вилоят, туман, шаҳар ҳокимларининг уларга нисбатан берилган шикоятни кўриб чиқаётган маъмурий суд

судьясига суд раҳбарияти (вилоят маъмурий суди, туманлараро маъмурий суд раислари) орқали таъсир ўтказиш эҳтимоли юқори бўлади.

Чунки, судьяни маъмурий суд раиси лавозимига тайинлаш жараёнида давлат органлари ёки маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа идоралар мансабдор шахсларининг, хусусан вилоят, туман, шаҳар ҳокимларининг муайян даражадаги билвосита таъсири мавжуд ҳисобланади.

“Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги Қонун 24¹-моддасининг тўртинчи қисмига кўра Кенгаш вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари, туманлараро маъмурий судлар раислари лавозимларига номзодлар бўйича жамоатчилик фикрини Кенгаш томонидан тасдиқланадиган тартибга кўра ўрганиши лозим.

Судьялик лавозимига номзодлар ҳақида жамоатчилик фикрини ўрганиш тўғрисидаги тартиб Судьялар олий кенгашининг 2018 йил 23 ноябрдаги 907-сон қарори билан тасдиқланган бўлиб, мазкур тартибнинг 13-бандида раҳбар судьялик лавозимига тайинланаётган номзод ҳақидаги жамоатчиликнинг фикри унинг масаласи Судьялар олий кенгаши муҳокамасига киритилгунга қадар ўрганилиши, 25-бандида жамоатчилик томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар Судьялар олий кенгаши томонидан ўрганиб чиқилиши ва баҳо берилиши кўрсатилган.

Мазкур тартибнинг 11-бандига кўра жамоатчилик фикрини ўрганиш тадбирига вилоят, туман, шаҳар ҳокимлари, ички ишлар, солиқ, божхона, адлия, халқ таълими ва бошқа давлат органлари раҳбарлари таклиф этилиши мумкин.

Демак, судьяни маъмурий суд раиси ёки раис ўринбосари лавозимига тайинлаш жараёнида давлат органлари ёки маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа идоралар мансабдор шахсларининг, хусусан вилоят, туман, шаҳар ҳокимлари билвосита таъсир кўрсатиши мумкин.

Давлат органлари ёки маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа идоралар мансабдор шахсларининг, хусусан вилоят, туман, шаҳар ҳокимларининг **судьяни маъмурий суд раиси лавозимига тайинлаш жараёнидаги** иштирокини бартараф қилиш ҳамда маъмурий суд судьяларининг одил судлов бўйича фаолиятни амалга ошириш жараёнида суд раҳбариятидан мустақиллигини таъминлаш мақсадида туманлараро маъмурий судларида суд раисини ва раис ўринбосарини айнан шу суд судьялари томонидан сайлаш тартибини жорий этиш таклиф этилади.

Бунда туманлараро маъмурий суди раиси ёки раис ўринбосари лавозимига номзод, қоида тариқасида, айнан шу суд судьялари орасидан танланиши, номзодни танлашда судьялар фикри инобатга олиниши ҳамда унинг ваколат муддати кўп бўлмаган муддат (икки ёки уч йил) билан чегараланиши лозим бўлади.

Туманлараро маъмурий суди раиси ва раиси ўринбосарини сайлаш бўйича бундай тартибнинг ўрнатилиши, биринчидан, суд раҳбариятининг давлат ҳокимиятининг бошқа органларидан мустақиллигини таъминлашга хизмат қилса, иккинчидан, суд раиси ва раис ўринбосари томонидан маъмурий суд судьясининг одил судлов фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ фаолиятига таъсир ўтказиш эҳтимолини кескин пасайтиради. Чунки, суд раиси ва раис ўринбосарининг судьялар фаолиятига ҳар бир аралашуви, унинг ваколат муддати узоқ бўлмаганлиги ҳамда айнан шу суд судьялари томонидан сайланиши сабабли раҳбарлик учун кейинги муддатларга сайланмаслигига олиб келиш эҳтимоли юқори бўлади.

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикасида барча суд судьялари учун бир хил талаблар белгиланган бўлиб, шахсни судьялик лавозимига тайинлашда судларнинг ихтисослашуvidан келиб чиқиб талаблар назарда тутилмаган.

“Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 67 ва 68-моддаларида белгиланган умумий қоидага кўра ўттиз беш ёшга тўлган, олий юридик маълумотга ҳамда **юридик ихтисослик** бўйича камида етти йиллик иш стажига **эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси** туманлараро, туман, шаҳар судининг, ҳудудий ҳарбий суднинг судьяси бўлиши мумкин.

Бугунги кунда шиддат билан амалга оширилаётган ислохотлар, шу жумладан давлат бошқаруви соҳасидаги ислохотлар маъмурий ва бошқа оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар бўйича ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган судьялардан нафақат пухта тайёргарликни, балки муайян малакани, бошқарув соҳасидаги қонун ҳужжатлари билан ишлаш бўйича кўникмани ҳам талаб қилади.

Бошқача қилиб айтганда, маъмурий суд судьяси ўз фаолиятини амалга ошириш жараёнида ҳокимият ваколатига эга бўлган шахснинг иш фаолиятини тўлиқ тушуниши лозим. Чунки маъмурий суд судьяси маъмурий ишни кўриб чиқиш жараёнида ҳокимият ваколатига эга бўлган шахсга топшириқни умумий қилиб (далилларни тақдим қилиш, ҳаракатни амалга ошириш ва ҳоказо) эмас, балки аниқ шакллантирган (давлат органининг муайян ахборот тизимидан муайян маълумотни олиб тақдим қилиш ёки муайян идорага муайян мазмундаги сўровномани юбориб, муайян ҳужжатлар асосида тегишли ҳаракатни амалга ошириш ва бошқалар) ҳолда бериши талаб этилади.

Бунинг учун эса маъмурий суд судьясида давлат бошқаруви соҳасида муайян малака ва кўникма талаб этилади.

Фикримизча, маъмурий судларга юклатилган вазифалар ҳамда маъмурий судлар фаолиятининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, шахсни маъмурий суд **судьяси**

лавозимида тайинлашда судьялик лавозимида номзодлар учун юқорида санаб ўтилган талаблардан ташқари шахс давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида бошқарув ходимлари штат бирлигида камида икки йиллик иш стажига эга бўлиши лозимлиги ҳақидаги талабни белгилаш мақсадга мувофиқ.

Ю.Н.Стариловнинг ҳақли равишда билдирган фикрига кўра фуқаро ва оммавий ҳокимият ўртасидаги низони кўриб чиқадиган судья бошқарув ҳуқуқини, тегишли бошқарув амалиётини ҳамда маъмурий қонунчиликни батафсил билиши лозим [9, 106].

Маъмурий суд судьяларида бундай кўникманинг мавжуд бўлиши зарурлиги ҳуқуқшунос олим Ғ.Ҳақимов томонидан ҳам таъкидланган бўлиб, унинг фикрига кўра маъмурий-ҳуқуқий низоларни кўриб чиқувчи мансабдор шахслар, яъни судьялар давлат бошқаруви соҳасида етарли билим ва малакага эга бўлишлари лозим [10, 13-14].

“Судлар тўғрисида”ги Қонунда маъмурий суд судьяси лавозимида номзод учун давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида бошқарув ходимлари штат бирлигида муайян иш стажига эга бўлиши лозимлиги ҳақидаги талабнинг белгиланиши, биринчидан, маъмурий органлар билан муносабатларда фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини самарали таъминлашга хизмат қилса; иккинчидан, бундай низоларнинг сифатли ва тезкорлик билан ҳал этилишига замин яратади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. // Таҳрир ҳайъати: Т.Мирзаев (раҳбар) ва бошқ.; ЎЗР ФА Тил ва адабиёт институти. – Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси нашриёти, 2006.
2. Конституциявий ҳуқуқ. Энциклопедик луғат. // Масъул муҳаррир ва муаллифлар жамоасининг раҳбари Мустафоев Б. – Тошкент: Ўзбекистон, 2006.
3. Мухитдинов Ф.М. Суд мустақиллиги ва судьяларни тайинлаш // Давлат ва ҳуқуқ. 2000. №1.
4. Бобоев Х.Б. Ривожланган хорижий мамлакатларда суд ҳокимияти // Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси Қонун номи билан. 2002. №1.
5. Жамолов Б. Суд ҳокимияти // Ҳуқуқ ва бурч. 2008. № 11.
6. Азизов Х.Т. Инсон ҳуқуқлари ҳимояси суд-ҳуқуқ ислохотларининг бош мақсадидир // Ҳуқуқ ва бурч. 2009. № 1.
7. Мухитдинов Ф.М. Суд мустақиллигининг долзарб масалалари // Фалсафа ва ҳуқуқ. 2005. №2.

<https://conferencea.org>

8. Хван Л.Б. Судебный административный контроль в Республике Узбекистан: проблемы понимания и перспективность в ее правовой системе // Административное судопроизводство в Российской Федерации: развитие теории и формирование административно-процессуального законодательства. - Сер.; Юбилеи, конференции, форумы. - Вып. 7. – Воронеж: Издательство Воронежского государственного университета, 2013.

9. Стариков Ю.Н. Административная юстиция: проблемы теории. Воронеж, 1998.

10. Хакимов Ғ.Т. Ўзбекистонда маъмурий юстицияни ривожлантиришнинг муаммолари. Монография. // Т.: ТДЮИ нашриёти, 2009.